

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

№ 247 (994)


17

ДЕКАБРЬ
СЕНАМБА
1957 ИЙЛ

БАҲОСИ
20 ТИЙИН

Областимиз колхоз ва совхозлари давлатга 400 минг тонна пахта топширдилар.

Халқ бойлиги, шон-шарафи бўлган „оқ олтин“ имизнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай тезда йиғиштириб олайлик, нелгуси йил мўл ҳосили учун тайёргарлини ҳар тарафлама нучайтириб юборайлик!



Қолган ҳосилни ҳам тезроқ йиғиб олиб, давлатга топширайлик!

Бир чигит ҳам пахта далада қолмасин!

Областимиз пахтакорлари давлат оморларига 400 минг тонна «оқ олтин» топшириб, планини бажариш йўлида яна бир катта давом олишди. Азамат колхозчиларимиз, шонли механизаторларимиз, совхозларнинг филокор ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ҳаёратона меҳнати билан, партия ва совет активлари ҳамда тайёрлов системаси ходимларининг зўр ғайрати туфайли ана шундай натижаларга эришилди. 400 минг тонна тайёрланган пахта ва район марказларининг меҳнаткашлари, студент ва ўқувчилар пахтакорларимизга катта ёрдам бердилар. Яна бир зўр берсак, бир ғайратимизга қилиш-уч ғайрат қўшиб меҳнат қилсак далада ётган «оқ олтин» дурдоналарини батамом йиғиштириб оламиз.

«Қириқлаган қир оғар» деганларидек, ғайрат қамарини маҳкам боғлаб каттиб ишга киришган, бир чигит ҳам пахтани нобуд қилмаслик учун сабот ва ватопат билан курашаётган пахтакорлар кундалик маррага яқинлашиб бормоқдалар. Иккилик пахта тайёрлаш планини бажарганликларни ҳақиқат рапорт бераётган колхозлар сон тобора кўнайиб бораётган.

Оржоникидзе ва Бўстонлик районларининг колхозлари пландан ташқари пахта топшириш юзасидан олган қўшимча мажбуриятларини ҳам ошириб адо этишди. Ҳар гектар ердан қарийб 38 центнердан ҳосил йиғиб олган Оржоникидзе районининг пахтакорлари суръатини ҳамон бўшаётганлиги олиб бормоқдалар. Пискент, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Бекобод ва Гулистон районларининг пахтакорлари янада зўр ғайрат қилиб, сўнгги ҳал қилувчи ҳужумга отлансалар яқин кунлар ичида маррага етиб келишлари ва давлат планини бажарганликларни ҳақиқат рапорт беришлари мумкин.

Кейинги кунларда ҳаво юршиб кетди. Йилги-термин ишларини ҳаво очиб ва илг қуяларга бемалол битказиб олиш учун кузга қулай шароит пужува келди. Декабрнинг қамдан-қам бўладиган ҳоёрғизай очик ҳаволи илг қуяларни пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни муваффақиятлан тугаллашда жузга катта муруват қилмоқда. Шу кунларнинг ҳаёбат соати, ҳар бир минутини рағбат!

Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз правлениялари ва совхоз дирекцияларининг вазифаси — маъна шу ҳақиқатни ҳар бир терминчи пахта тўшунтиришдан, ғанимат кунлардан умуман фойдаланиб, бутун кучини ҳосилини сира нобуд қилмай батамом йиғиштириб олишга сафарбар этишдан ва келгуси йил мўл ҳосил учун тайёргарлини ҳар тарафлама нучайтириб юборишдан иборатдир.

Республикамиз пахта тайёрлаш планини бажариш арасида турибди. План 95 процентдан ошди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг қарорига мувофиқ план тўлгандан кейин бутун Ўзбекистон бўйлаб йиласига уч кун тўй-тамошалар бўлади, умумхалқ Пахта байрами ўтказилади. Республика планини тезроқ бажаришга ўз ҳиссасини қўшаётган, даладаги ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиб, пахта байрамга муносиб меҳнат соғалари билан келайлик, тўй-тамошаларни бошлаб юборайлик!

Бўстонлик район меҳнаткашларининг муваффақияти

Бўстонлик район саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари астойдил меҳнат қилиб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йиллик планини ошириб бажардилар. Шунингдек, район пахтакорлари область пахтакорлари кўрултойида олган социалистик мажбуриятларини бажарганликларни тўғрисида рапорт бердилар.

Саноат корхоналарининг коллективлари, колхозларининг аъзолари йил охиригача қўлаб маҳсулот ишлаб чиқариш, давлатга қўшимча равишда яна пахта топшириш учун астойдил курашмоқдалар.

Мусобақа илғорлари- га кўчма Қизил байроқ берилди

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети районлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 11 декабрдан 16 декабргача бўлган якулини қўриб чиқдилар.

Область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Гулистон району (район партия комитетининг секретари ўртоқ Умаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Махмуд-хон, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Раҳматуллоев, МТСларининг директорлари Погосьян ва Ниниш ўртоқлар) берилди. Бу районда ўтган беш кунликда 5,14 процент миқдорда пахта тайёрланган. Байроқ Бекобод районидан олиб берилди. Пахта тайёрлаш ва топширишда намуна кўрсатиб ишлаган колхозчилар ва МТС ишчиларини муқофотлаш учун Гулистон району 3 минг сўм пул берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети пахта тайёрлаш ва топшириш бўйича Бекобод ва Сирдарё районларининг яхши ишлагандиларини қайд қилдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Бекобод районидан «Чаноқ» совхозига (директори ўртоқ Сатторов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Жониев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Тоқмоқов) берилди. Бу совхоз ўтган беш кун ичида 4,80 процент миқдорда пахта тайёрлаган. Байроқ Бекобод районидан 2-«Далварзин» совхозидан олиб берилди. Пахта тайёрлаш ва топширишда намуна кўрсатган ишчиларни муқофотлаш учун «Чаноқ» совхозига 3 минг сўм пул берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети пахта тайёрлаш ва топшириш бўйича «Мавий», 2-«Далварзин» ва 4-«Вревский» совхозларининг яхши ишлагандиларини қайд қилдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитети пахта тайёрлаш ва топшириш бўйича «Мавий», 2-«Далварзин» ва 4-«Вревский» совхозларининг яхши ишлагандиларини қайд қилдилар.

Оржоникидзе район пахтакорлари қўшимча мажбуриятларини ошириб бажардилар

Оржоникидзе район колхозларининг аъзолари йиллик планини бажарганликларни яна 1000 тонна пахта етказиб берамиз, деб социалистик мажбурият қилиш адиладар. Райондаги ҳар бир киши ана шу мажбуриятни тўла адо этиш учун астойдил курашди, мўлжадаги 1000 тонна ўрнига 1158 тонна пахта етказиб бериб қўшимча мажбурият ошириб бажарилди. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 37,87 центнердан пахта йиғиб олинди. Давлатга пахта топшириш қизгин давом эттирилмоқда.

МТС механизаторлари 1958 йил мўл ҳосил учун пахта замин тайёрлаш мақсадида кузги-қишки ишлар суръатини кучайтириб юбордилар. 16 декабргача 6500 гектар ер сифатли шудгор қилинди. 9200 гектар ер шудгор қилиш юзасидан тузилган планини 25 декабргача шараф билан бажариш учун МТС механизаторлари социалистик мусобақани кучайтириб, шу кунларда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

1958 йил ҳосили учун шудгорлашни ва бошқа ишларни кучайтириш тadbирлари тўғрисида

Кўрилаган тadbир натижасида республикада пахта тайёрлаш плани 95 процент бажариб қўйилди. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг вазифаси — бутун пахта ҳосилини сира нобуд қилмасдан кечи билан 22 декабргача йиғиб-териб олиш ва топширишдан иборатдир.

Бу йил ҳосилининг кеч етилганлиги, пахта йиғим-теримини ўтказишда кўп районларда катта қийинчиликлар пужува келганлигида энг муҳим сабаблардан бири — талабга яна қўйилган кузги шудгорлаш ва яхоблаш ўтказилмаганлиги, ерларнинг шўри асра жуда кечиктирилганлиги бўлди.

Бироқ, кўпгина область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик органлари, МТС, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бундан тўғри ҳужоа чиқариб олмадилар ҳамда шудгорлашга ва 1958 йил ҳосили учун зарур бўлган бошқа ишларнинг аҳамиятига ҳали ҳам етарли баҳо бериштирадилар. Худди маъна шунинг натижасида колхоз ва совхозларда кузги шудгорлаш плани атиги 30 процент бажарилиди, шўр ювиш ва яхоблаш қизғин юборилмаган, яргитиш ва коллектор шохобчаларини тозалаш ишлари суякшаник билан бормоқда.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси ҳисоблайдики, кўпгина область ва районларда пахта йиғим-теримини кузги қишки

тadbирларга қарама-қарши қўйиб қишки практика ҳамда бу тadbирларга етарли баҳо беришмаслик ас-лини олганда пахтачиликка раҳбарлик қилишдаги консерватизм ва қолоқлик кўришиларида нобуд бўлади. Ана шу жиддий камчиликларни битириш республикада пахта етиштириш янада кўпайтиришнинг муҳим резерви бўлади.

Кўпгина партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг жиддий хатолиқ шундан иборатки, узлар шудгорлаш ери ишларининг асосий тadbир аҳамиятини ва шудгорлаш сифатини ўтказиш, уни баҳорда тузатиш мумкин эмаслигини унутиб, кузги шудгорлашнинг юқори сифатли бўлиши таъминлаш масаласига етарли эътибор бериштирадилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси қарор қилди:

1. Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, МТС, совхоз ва колхозларнинг раҳбарларидан 1958 йилда юқори ҳосил олишга тайёргарлик кўриш ишларини ташкил этишдаги йўл қўйилган хатоларни тузатиш, МТС совхоз ва колхозларнинг барча йиғим-теримини тўла фойдаланиш ва бирор кунини ҳам бекорга ўтказмасдан гўзалроқ ювиш, ери шудгорлашни ва бошқа тadbирларни ҳамма жойда кенг кучайтириб юбориш талаб қилинсин, токи пахтакорларнинг Москвада бўладиган Бутун-

иттифоқ биринчи қурултойига ҳам-ма ерларини шудгорлаш тамомлансин ҳамда 1958 йил ҳосили учун бошқа барча ишлар асосан тугаллансин.

2. Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ва район партия комитетларига, область ва район ижроия комитетларига, МТС, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) гўзалроқ йиғиштириб олиш ҳамма жойда дарҳол кучайтириб юборилсин, ҳар бир колхоз ва совхозда барча ҳайдон тракторларидан ҳар кун умуман фойдаланишга имкон берадиган зарур миқдордаги майдон бўшатиб туриладиган бўлиш учун мавжуд механизация воситаларидан тўла фойдаланишсин, кенглик миқдорда ишчи кучлари ақратилсин;

б) МТС, колхоз, совхоз ва қишлоқ хўжалик органлари агрономларининг кучи билан кузги шудгорлашнинг сифати устидан қўндалик контролнинг ташкил этилсин. Оғтиша бўлса ҳам брак ип қилувчиларга кескин зарба бериб, ҳайдов сифатига нисбатан барча агротехника талабларининг сўзасиз бажарилишини таъминлансин.

Шудгорлашнинг юқори сифатли бўлишини таъминлаш иш пахта нобудгарчилиги ва пахтанинг пайҳон қилинишига қарши кураш даражасига қўйилсин;

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Маррага етмоқ учун!

3, маҳоратли, забардаст, марди майдон пахтакор, Ғайратидан чўлу кўл бўлди гулистон, пахтакор, Хосилинг саҳрода унандир фаровон, пахтакор, Оварин дер ҳар ним нўрганда, чиндан, пахтакор, Маррага етмоқ учун сен айла жавлон, пахтакор.

Пахта дўстлигининг илми, дурдоналар аълосидир, Узбон эли пахтакорлик илимининг устасидир, Барча қордошлар унинг ҳамқирни, оғасидир, Ҳамма ишда халқининг оғасининг ҳамқирсидир, Маррага етмоқ учун сен айла жавлон, пахтакор.

Шудрати оламанг Узбекистон пахтаси, Элга роҳат, дилга нувват, таंगा дармон пахтаси, Кўзимизга тўтибдир бегу-бўстон пахтаси, Улнамизнинг зийнати шул давру даврон пахтаси, Маррага етмоқ учун сен айла жавлон, пахтакор.

Месива, жонон Ватанга рапорт беришдир ифтиҳор, Тезда топширилг уни, бўлгил тагин ҳам бахтиёр, Пахтакорлар мажлисига яхши совға бирла бор,

Ўзбекистон пахта мони, шонга тўлган гул дийр, Маррага етмоқ учун сен айла жавлон, пахтакор.

Тўрт юз минг тонна пахта бўлди тайёр, Тошкент, Маррани илпаш учун ҳосия яна бор, Тошкент, Мирзачўл водиси, Сирдарё улугвор, Тошкент, Ҳосили ҳар қанча мантовга сазовор, Тошкент, Маррага етмоқ учун сен айла жавлон, пахтакор.

Сўнгги ҳосилни йиғишда кучли қўллар телмасин, Заррача ҳам пахта ерда, ё чанонда нолмасин, Ҳар нечун обу ҳаво ҳам ишга захмат солмасин, Бир грамм ҳам пахтани қор ёки бўрон олмасин, Маррага етмоқ учун сен айла жавлон, пахтакор.

Ваёдага айлар вафо бизнинг музаффар халқимиз, Фахрий бурчини адо қилгай муқаррар, халқимиз, Бир-бирига меҳрибон ёру биродар халқимиз, Пахта, деб бил кун бутун бўлди сафарбар халқимиз, Маррага етмоқ учун сен айла жавлон, пахтакор.

М. ВАСФИЙ.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАРИ



Т. ЛАТИПОВ —
Бобут районидан «Комму-
низм» колхозининг раиси, Со-
циалистик Меҳнат Қаҳрамони.



Т. АБДУЛЛАЕВА —
Оржоникидзе районидан Хруш-
чев номи колхозининг бригада
бошлиғи, Социалистик Меҳнат
Қаҳрамони.



У. КАРИМОВ —
Октябрь районидан «Шарқ юл-
дузи» колхозининг эвено бош-
лиғи.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАРИ



Саодат ГУЛАХМЕДОВА —
Бўна районидан Хрушчев но-
ми колхозининг долгдор теримчи-
си, Социалистик Меҳнат Қаҳра-
мони.



Т. ХУДОБЕРДИЕВ —
Янгийўл районидан Ленин но-
ми колхозининг пахта қурутувчи-
си.



Н. РИЗАЕВА —

Мирзачўл районидан «Ленин-
изм» колхозининг мавсумда 15
тонна пахта-терган аъзоси.



Ғаниев ЮНСОВ —
Гулистон районидан Ленин
номи колхозининг бригада бош-
лиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳ-
рамони.

Пахтакорларнинг Бутуниттифок қурултойида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун астойдил курашайлик!

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИ КУЗГИ ШУДГОРЛАШ БИЛАН БОҒЛАБ ОЛИБ БОРАЙЛИК!

1958 йил ҳосили учун шудгорлашни ва бошқа ишларни кучайтириш тадбирлари тўғрисида

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

а) шудгорлашнинг кетидан бурчаклар, дала бўйлари ва айланни доиралари чопиб чиқилсин, сўнгра участкалар яхши текислансин, шўр-хок ерларда пол олинсин, яхоблаш талаб қилинадиган жойларда эгач олинсин, бунинг учун мажбур меҳанизмлардан, шунингдек қўла асбобларидан тўла фойдаланилсин.

б) шудгорлашнинг кетидан бурчаклар, дала бўйлари ва айланни доиралари чопиб чиқилсин, сўнгра участкалар яхши текислансин, шўр-хок ерларда пол олинсин, яхоблаш талаб қилинадиган жойларда эгач олинсин, бунинг учун мажбур меҳанизмлардан, шунингдек қўла асбобларидан тўла фойдаланилсин.

в) шудгорлашнинг кетидан бурчаклар, дала бўйлари ва айланни доиралари чопиб чиқилсин, сўнгра участкалар яхши текислансин, шўр-хок ерларда пол олинсин, яхоблаш талаб қилинадиган жойларда эгач олинсин, бунинг учун мажбур меҳанизмлардан, шунингдек қўла асбобларидан тўла фойдаланилсин.

г) шудгорлашнинг кетидан бурчаклар, дала бўйлари ва айланни доиралари чопиб чиқилсин, сўнгра участкалар яхши текислансин, шўр-хок ерларда пол олинсин, яхоблаш талаб қилинадиган жойларда эгач олинсин, бунинг учун мажбур меҳанизмлардан, шунингдек қўла асбобларидан тўла фойдаланилсин.

д) шудгорлашнинг кетидан бурчаклар, дала бўйлари ва айланни доиралари чопиб чиқилсин, сўнгра участкалар яхши текислансин, шўр-хок ерларда пол олинсин, яхоблаш талаб қилинадиган жойларда эгач олинсин, бунинг учун мажбур меҳанизмлардан, шунингдек қўла асбобларидан тўла фойдаланилсин.

е) шудгорлашнинг кетидан бурчаклар, дала бўйлари ва айланни доиралари чопиб чиқилсин, сўнгра участкалар яхши текислансин, шўр-хок ерларда пол олинсин, яхоблаш талаб қилинадиган жойларда эгач олинсин, бунинг учун мажбур меҳанизмлардан, шунингдек қўла асбобларидан тўла фойдаланилсин.

Машинасозлар пахта далаларида

Ҳали кун чиндиқча йўл, у ер-бу ердаги бинолар тоғ қоронғусида ғира-шира кўзга ташланади. Лекин шундай бўлса ҳам, титанлардаги сув аллақачон қайнаган. Дастлаб бу ерда 5-механика-йигуҳ цехининг ишчиси Мансур Юнусхўжаев кириб келади. У, қўлгаги солдат кетоло-га титандаги шарабда қайнаётган сувни қўйиб турган эди ҳамки, бу ерда темирчилик-пресс цехининг ишчиларидан Т. Горбунова ва Н. Багафаллар ҳам кириб келадилар. Улар бир-бирлари билан самимий саломлашадилар. Мансур ака чидиб кетар экан, Тамара Горбуновага сўз охи:

— Бугун ҳам беллашамизми. Тамара?

— Камарингизни маҳкам бойлай-веринг, биз дам тайёр.

Ишчилар ўзаро гурунлашиб, эр-талабни нопустани қилгани ўз ётоқ-хоналарига кириб кетдилар. Ҳадемай ҳамма қоп ва фартуқларини олиб пахта даласи томон йўл олади. Ишчилар улар учун ажратиб қўйилган ерда ёлма-ён туриб кўрак тера бош-лайдилар. Мансур Юнусхўжаев билан Тамара Горбунова кимўзарга ўйнамоқдалар. Қўй ўтмай Мансур ака ығарилаб кетди. Бир вақт Та-мара қараса, Мансур ака фартуғи-ни тўлаиб хирмонга кетганлиги.

Ойбо сиз-е, даров бир фартуқ тердингизми?

— Сен ҳам бугун бўш келмайди-ганга ўхшайсан, — Мансур ака Та-марига жавоб берди.

Хирмон бошида кўрак тераётган завод ходимларининг раҳбари 6-цех бошлиғи Жаббор Шобурхонов тараз-абон билан нима ҳақдадир суҳбат-лашиб турар эди.

— Хорман Мансуровий, — деди Жаббор ака.

— Ҳали ҳориганимизга йўқ. Бу-гун 80 килограмми мўжаллашма-май, ҳар кун ганимат.

Мансур ака қайтар экан, йўлда хирмонга келётган Тамарани у-ратди. У билан бирга, Х. Холловор, В. Степаненко, Н. Даминиди ва

Келгуси йил мўл ҳосили учун тайёрлик кучайтириб юборилди

Калинин номида колхоз аъзолари Пискент районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарган эдилар. Улар шу кунларда қолган ҳосилини сира нобуд қилмай териб олиш учун астойдил курашмоқда-лар.

Шу билан бирга колхоз аъзолари келгуси йил мўл ҳосили учун пах-та замин ҳозирлаш, кузги шудгорла-ниш, келгуси йилда пахта тайёрлашнинг яна кенгайти-риш, кўрғи ерларни ўзлаштириш

партов ерларни ва янги ўзлашти-рилган массивларни ақшига тайёр-лашни ташкил этиш мажбурияти юклатилсин. Ана шундай ерлар учун зарур меҳнатга пўлтин тра-кторлар, ер қазин техникаси ва ли-чи кучлари ажратилсин, ян-ги ерларни қишлоқ хўжалик обо-ротига киритишга раҳбарлик қилиш вазифаси бўлсин ижроия коми-тетлари, район ижроия комитетла-ри, МТС, колхоз ва совхозларнинг ма-ъсул ходимлари зиммасига юклатил-син.

5. Сув хўжалиги министрига, област ва район партия, совет ҳам-да сув хўжалик ташкилотларига ирригация ва коллектор шохобча-ларини тўзалаш, гидротехника ин-шоотларини ремонт қилиш, шунинг-дек иҳота ишларини ўтказишнинг кучай-тириб юбориш, бунинг учун мажбу-р меҳанизмлардан тўла фойдаланиш ва зарур миқдорда ишчи кучлари аж-ратиш мажбурияти юклатилсин, то-ки шохобчаларнинг ҳаммаси 1958 йил 15 январдан кечиктирмай тах-т қилиб қўйилсин.

6. Шудгорлаш ва гўзана юлишга ишчи кучлари ажратилиш, шунинг-дек ирригация шохобчаларини тўзала-ш юзасидан топириқлар тасдиқла-ниш.

Област ва район партия коми-тетларига, област ва район ижроия комитетларига ишчи кун муддат ичида бу топириқларни МТС, кол-хоз ва совхозларга етказиш ҳам-да уларнинг бажарилиши устидан ку-ндалик контроллик ўрнатиш мажбу-рияти юклатилсин.

7. Област ва район партия ҳам-да совет ташкилотларига, МТС, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига ку-зги-қимши дала ишларини бажариш-да банд бўлган тракторчилар, сув-чилар ва бошқа ходимларга зарур шароит яратиб бериш, уларни иссиқ-кийим-кечак, пойфалал билан таъ-минлаш ҳамда иссиқ овқатни йўлга қўйиш мажбурияти юклатилсин.



Суратларда: (юқоридан паст-га) Калинин райондаги колхозлардан Октябрь рай-онидagi «Шарқ юлдузи» колхозига келиб пахта йи-гим-теримида қатнашаётган илгор теримчилардан: 1. Бү-дённий номли колхоз аъзо-си З. Имомова. 2. Сталин номли колхоз аъзоси А. Ғу-ломов. 3. Будённий номли колхоз аъзоси Н. Мирзабоб-еўроқлар.



Суратларда: 1. «Шарқ юлдузи» колхозининг сушилқасида пахта қуришти пайти. 2. Калинин райондаги Будённий номли колхоз аъзолари «Шарқ юлдузи» колхоз даласида кўрак термоқдалар.

Пахтакорлар билан медицина ходимларининг ҳамкорлиги

Калинин район соғлиқни сақлаш бўлимининг 30 кишидан иборат коллективни «Коммунизм» колхозига шу кунларда ҳар кун 3-3,5 тонна-дан кўрак териб колхозчиларнинг хурматига сазовор бўлмоқдалар. Фельдшер С. Муҳамеджонов ҳар кун 120-150 килограммдан, бонифе-каторлардан В. Котон, К. Абдула-евлар эса 150-180 килограммдан кўрак термоқдалар.

Шунингдек, Ховос район меҳнат-кашлардан 400 дан ортиқ киши бир жон-бир тан бўлиб Бобуот рай-он пахта далаларида ишламоқдалар. Булар ичида район касалхонаси ва санитария-эпидемия станцияси хо-димлари, айниқса индустрия сазовор иш қилмоқдалар. К. Симмаев, И. Исроилор, М. Хлевнева, Тулаганов каби меҳдиқар об-ҳаво шаронти оғир кунларда ҳам кундалик норма-ни ошириб бажармоқдалар.

— Пахтакорларнинг қувончи, — бизнинг қувончимиздир, дейди рай-он даволаш муассасалари ходимла-ридан иборат бригаданинг бошлиғи А. М. Тихонов. — Агар улар пахтакор-ларнинг Бутуниттифок биринчи қу-рултойига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлсалар, бу биз, меҳдиқар учун катта шарафдир.

А. АБДУЛХАМИРОВ.

А. ШИРИНБОВ.

ВИЖДОНИЙ БУРЧ

Шу долзарб кунларда катта-кичик ҳар бир пахтакор фақат ҳосил тақдирини ўй-лайди. Чунки, ҳали колхоз даласида пла-нини тўлайтириш учун етарли миқдорда ҳо-сил бор. Ахир икк-йил баҳордан бун қилинган меҳнатнинг меvasи бўлган «оқ олтин» дурдоналарининг далада ёки чала қувил-ган гўзалчўқларда, кўча-кўйлар ҳатто хирмон атрафларида қолиб кетишига йўл қўйиб бўладими?!

Чироқлар порлаб турибди. Бу ер кол-хоз правдигисининг илораси. Чажри-ган кишилар — бригада бошлиқлари, ак-тивлар бирин-кетин кириб келишди. Раё-столида ҳали яқиндагина радиопрелика-дан қайтиб келган Ҳамроқўй ота Турсун-қулов ўтирибди. Бу кеча пахтакор ҳам шу тобда ҳосил тақдирини тўғрисида ўйла-моқда.

— Анваламбор шунини айтиб қўйди, — деди у ўтиргиларда бир раэм ташлаб чиққач, — баъзи бригадалардаги ишдан қўтилган унча тўлмайпти, чамамда кейин-ги кунларда бўшашиб қолдиқ, чоғи...

Ранс айрим бригадаларни номма-ном тилга олғач, ўртага «энди нима қилиши-миз керак?» деган саволни ташлади-ю, бунга шу заҳотиёқ ўзи жавоб бериб қўй-қолди. У Ўзбекистон КП Марказий Коми-тети бюросининг пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни тугаллаш ва пахта тайёр-лаш планини бажариш тўғрисидаги яқин-да эълон қилинган қарорига кўрсатилган амалий тадбирларини батафсил баён қилиб берди, шунданки ишчи фақат шунга амал қилган ҳолда ташкил этишни алоҳида таъкидлади.

Бу қарор колхоз радиоэуели орқали шу кун кечаси соат 11 ларга бораган-да ва ерталоб барвақт бутун колхозчиларга ўқиб ешитирилди.

Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳра-мони Ҳамроқўй Турсунқулов ранелик қи-лаётган Октябрь районидagi «Шарқ юл-дузи» колхозининг аъзолари бу йил эўр-гайрат билан меҳнат қилиб, 1700 гектар-майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Қў-ғина бригадаларда ҳосилини йиғиб-териб олиш намуналарини ўйштирилиб, план адал-қачонқоқ ортинг билан ало этилди. Жум-ладан, Илхом Қобитов ва Ҳазратқул Са-рибобовлар бошлиқ бригада аъзолари ҳо-зиргача гектаридан 36-38 центнерданга ҳосил йиғиштириб олдилар. Мамат Камо-лов бошлиқ бригаданинг ватанпарвар аъ-золари 80 гектар ерининг ҳар гектари-дан 42 центнердан ҳосил қўтариб, ўз со-циалистик мажбуриятларини шараф бил-дан бажардилар.

Колхозда дала ишлари конвейер усу-ли-да ташкил этилган. Шу кунларда колхоз пахта тайёрлаш давлат планини бажариш арафасида.

Бу ерда Калинин район ижроия коми-тетининг ранс ўртоқ Қотир Рабуровни ҳам учратдик. Йқинда райком секретари ўртоқ Мажидов ҳам хабар олгани келиб кетди. Ажаб, район бошқа бўлса-ю, уларнинг бу колхоз ишига қанчалик дахли бор, деб сўрашлари мумкин. Бунинг са-

баби бор албатта. Давлатта картошка ва сабзавот маҳсулотлари топиришни пла-нини муваффақиятдан бажарган Калинин рай-онидagi колхозларнинг аъзолари, партия ва совет активларидан 1300 киши 24 октябрдан то ҳозиргача «Шарқ юлдузи» долхозининг пахтакорлари билан ёлма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар, ҳосилини йиғиштириб олишда уларга амалий ёрдам бермоқдалар.

Мана, ахлти карталардан бирида юзта актин йиғит-қиз кўсак териялпти. Улар орасида ўрта ёшдаги кишилар ҳам бор.

— Булар районимиздаги Будённий но-ми колхоз аъзолари, — деди ижроком ран-сис ўртоқ Рабуров.

Киналардан Зулфия Имомова ҳар кун 200 килограммдан ошириб кўсак тера-ётган экан. У кунини кеча ҳатто 250 кило-грамм кўсак терибди. Фотограф суратга олаётганда Зулфия уялиниқлаб турди. Сўнгра дугоналари ёнига бори-да, боғи-синдик чакқон-чаққон кўсак тера кетди.

Мазрифат Хатамбова, Клара Ёлмасова, София Нугаева, Жўрақон Ёлдошев, Ну-риддин Мирзабобов, Карим Ёргашев каби ўнлаб йиғит-қизлар 150-200 килограммга етказиб кўсак термоқдалар.

Сталин номли колхоз аъзолари кўсак тераётган пайкалда одам янада таъжум. Ҳаммаининг ҳаракатида чакқонлик совибли турибди, ҳаммаининг қалби бир текис ура-ётганга ўхшайди. Ҳаёт Оринова, Абдулла Ғуломов, кеска колхозчи Султохўжа Олимхўжаев каби кўлаб ватанпарвар колхозчиларнинг гайратига баъли. Улар 200 килограммга етказиб кўсак тераётган экан. Кечалари кўсак қуришида ҳам булар-нинг кўла баъли.

Ленин номли, генерал Раҳимов номли, «Октябрь самараси», Охунбобоев номли, Киров номли ва бошқа колхоз аъзолари-нинг қаҳрамонлик меҳнатлари мақташга сазовордир. Улар учун бу ерда барча зар-ур шароитлар яратиб берилган, икки марта иссиқ овқат ташкил этилган, ки-йим-кечак билан тўлиқ таъминланган. Калинин район соғлиқни сақлаш бўлими-нинг «Тез ёрдам» машинаси ҳам ҳар ҳи-тимолта қарши шу ерда. Врачлар одамла-рининг соғлиғи тўғрисида гапхўрлик қилиб турибдилар. Район маданият бўлими тез-тез кинофильмлар кўрсатмоқда.

Калинин районининг сабзавотчилари шу маҳалгача «Шарқ юлдузи» колхозин-инг 1000 тоннага яқин пахтасини териб берганлар. Бу йиллик планининг 20 про-центдан ортингини ташкил этиди. Бунинг учун колхоз пахтакорлари сабзавотчи би-родарларига чўқур миннатдорчилик бил-диришмоқдалар.

Калинин район меҳнаткашлари колхоз даласида қолган ҳосилининг охиғи грамми йиғиштириб олишунча шу ерда қолиб ер-дам бериш истасгани билдиришмоқдалар ва СССР Олий Совети сессияси очилгандан кунгача пахта тайёрлаш планини бажари-ш ишига муносиб ҳисса қўиш вилжон-лий бурчимиз, демоқдалар.

А. ШЕРМУХАМЕДОВ.



Суратларда: 1. «Шарқ юлдузи» колхозининг сушилқасида пахта қуришти пайти. 2. Калинин райондаги Будённий номли колхоз аъзолари «Шарқ юлдузи» колхоз даласида кўрак термоқдалар.

Қолоқликдан чиқдик, энди илғорликни қўлдан бой бермаймиз


Бундан икки-уч йил илғари суҳбатларда, йинги-ларда бизнинг колхозимиз ҳақида гап боргудек бўлиб қолса, район раҳбарлари ҳам, қўшни колхозларнинг пахтакорлари ҳам, «қолоқ, камқувват» деган сўзлар-ни тақрирлардилар. Уларнинг бу баҳолари ўша вақт-ларда чиндан ҳам тўғри эди. Биз ерин унча яхши ўғитлай олмас эдик, янги, прогрессив усул кеиғ қўла-нимасдик, техникадан фойдаланиш ҳам талабга тўла жавоб бермасдик. Бу камчилиқлар пахта ҳо-селини ошириш, колхоз экономикасини кўтариш им-кониятини бермас эдик.

Колхозимиз аъзолари бу йил ўз шаъниларига ай-тиладиган «қолоқ, камқувват» деган сўзларни ҳалол меҳнат билан ювиб ташладилар. Колхоз правдигисеи ва бошланғич партия ташкилати ўз камчилиқларидан тўғри хушоса чиқариб, бошланган катта ҳаракатга амалий раҳбарлик қилабоқдалар.

Етарли миқдорда маҳаллий ўғит жамғардик, кузда шудгор қилинган ерлар яхлалантирилиб, чигит эши-га сифатли тайёрланди. Пахтакорларимиз илгор кол-хозларнинг бой тажрибаларига суяниб, пахта майдони-нинг асосий қисмига чигитини 50х50 схемасида квад-рат-уялаб жойлаштирилди, биз барча майдонларда чигитини ерининг ўз намида бир текис ундириб олишга эридик.

Илғари янги усулдан чўчиндираб юрган баъзи бригада бошлиқлари бу усулнинг афзаллиқларини қўшни колхозлар мисолида кўрганларидан кейин, ў-ғаларни икки томонлама парвариш қилишга киришди-лар. Шундай қилиб, колхозимизда гўзалари узунасига ва кўндалигига култивация қилинмайдиган бирон гектар ер ҳам қолмади.

МТС бизни етарли даражада техника билан таъ-минлади, М. Ортиқбоев, С. Жалилов, С. Охунжонов каби илгор меҳанизаторлар то пахта ишчи етилгунча колхозчилар билан мустаҳкам ҳамкорликда астойдил ишладилар. Колхозчилар мўл ҳосил учун қанчалик



Суратларда: (юқоридан паст-га) Калинин райондаги колхозлардан Октябрь рай-онидagi «Шарқ юлдузи» кол-хозига келиб пахта йи-гим-теримида қатнашаётган ил-гор теримчилардан: 1. Ста-лин номли колхоз аъзолари-дан С. Олимхўжаев, 2. Х. Ор-инова, 3. Ленин номли колхоз аъзоси И. Шерго-ев ўртоқлар.

Оржоникидзе районининг илгор колхозларида

Шу кунларда мажбурият ҳисоби-га пахта топириётган илгор колхоз-ларда далада қолган ҳосилини сўн-гра кўрагича сира нобуд қилмай териб олиш, ерини гўзалайлари-га тўзалаш, шудгорлаш ва келаси йил мўл ҳосили учун пахта замин яра-тилаётганлиғи ҳақида рақадқимиз-га кўлаб хатлар келмоқда.

Ю. Маҳмадов, Н. Қановов ўртоқ-лар 790 гектар майдоннинг ҳар ге-ктарида 38,5 центнердан ҳосил топи-штириб, йиллик пахта тайёрлаш пла-нини муҳаллидан илғари ошириб ба-жарган Ленин номли колхоз аъзола-ри қўшимча равишда ҳар гектар ер-дан 2-3 центнердан ҳосил топириш учун курашаётганлиқлари ҳақида баъзилар. Ҳозиргача бу колхозда 300 гектар ерда фосфор солишиб, сифатли шудгор қилиб қўйилди. Т. Оқназаров, К. Тоғоев каби меҳани-заторлар ўзларининг «С-80», «ДТ-54» тракторларидан ҳар кун 16-20 гектардан ерини шудгор қи-либ, колхозчиларнинг хурматига са-завор бўлмоқдалар.

Ж. Саидаминов Сталин номли колхоздан баъди: Орий Бобокановов бошлиқ 2-бригада аъзолари эришган ютуқлар, айниқса қувончлидир. Бу бригада 188 гектар пахта майдони-нинг ҳар гектаридан 43 центнердан пахта топириди. Бу бригадалаги Зулфия Рихсибоева, О. Абдуназаров бошлиқ аснолар гектаридан 46,5-54,5 центнердан «оқ олтин» йиғиб олдилар.

Бригада аъзолари планга қўшим-ча равишда 100 тонна пахта топи-риш мажбуриятини олган эдилар. 124,5 тонна пахта топирилади бу мажбурият ҳам ошинг билан бажар-илди, ҳозир шудгорлаш қизитиб юборилди.

Ж. Гаффаров, А. Жалилов, Х. Му-ҳимов ўртоқлар райондаги Оржони-кидзе номли, Киров номли, Навоий номли колхозларида ҳам мажбурият ҳисобига кўлаб пахта топирилади-ганлиғи, пахта майдонларининг қи-мига яқини сифатли шудгор қилиб қўйилганлиғи ва 20 декабргача бар-ча пахта ва сабзавот экинлари май-донларининг ҳам тўлиқ шудгорлаш учун иш қилиб кетганлиғи ҳақида хабар қиладилар.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 16 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН

М А Ў Л У М О Т

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мансум бўлишдан бери
Бўстонлиқ	1,17	118,06
Оржоникидзе	0,81	105,85
Пискент	0,50	95,66
Юқори Чирчиқ	0,17	94,93
Буюкбод	0,51	94,49
Урта Чирчиқ	0,20	94,18
Гулистон	0,92	93,13
Сирдарё	0,54	91,21
Уртасарой	0,41	90,18
Мирзачўл	0,26	89,94
Янгийул	0,62	88,95
Вархис-волинск	0,70	88,56
Охангарон	0,27	86,91
Бўна	0,59	85,52
Калинин	0,68	82,87
Октябрь	0,50	81,91
Оқуғорон	0,27	81,60
Чиноз	0,28	79,02
Бобуот	0,13	71,93
Куйи Чирчиқ	0,34	66,99

ОБЛАСТ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 16 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН

М А Ў Л У М О Т

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунлик ўсиш	Мансум бўлишдан бери
6-«НУКОРОЛ»	0,31	116,33
3-«ОХАНГАРОН»	—	100,67
1-«Далаварзин»	0,69	95,83
Киров номи	0,15	91,46
2-«Охангарон»	0,60	91,40
Пискент»	0,42	90,90
2-«Далаварзин»	0,74	90,66
3-«Вревский»	0,63	89,38
Чанок»	1,25	88,87
Малик»	0,47	83,67
Оқўрғон»	0,25	82,14
Социализм»	0,20	76,13
Гулистон»	0,06	70,12
1-«Бобуот»	0,15	69,49
3-«Бобуот»	0,16	69,31
Дружба»	0,20	68,75
Мирзачўл»	—	67,05
УзССР беш- иллиги»	0,35	66,53
2-«Охангарон»	—	65,67
3-«Фархад»	0,03	58,64
Булгантин номи»	0,12	58,31
1-«Ушугув. номи»	0,11	48,42

СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ



Тошкент шаҳар Куйбисев районидagi 40-сайлов пунктида меҳнатчилар ҳақ судлари сайловига актив иштирок этиб, коммунистлар билан партиячилар ҳақ блокнинг номзодлари учун бирдамлик билан овоз бердилар. **Суратда:** сайлов пунктида сайловчиларга бюллетенлар бериш пайти.

В. Салов фотоси.

ЯҚДИЛЛИК БИЛАН

1-пайфал фабрикаси клубининг мухташам биноси. Бу ерда Фрунзе районидagi 134-сайлов участкаси жойлашган. Ҳақиқат 6 бўлагини йўқ. Клуб фойсиди одамлар гавжум. Ҳаммагачи ҳечқанда шоду-хушамлик. Бу ерда тулганган сайловчилар орасида фабрика ремонт-механика цехининг слесари Григорий Игнатевич Глушков ҳам бор. У ўз граждалик бурчини ўташ ва биринчи бўлиб овоз бериш учун ҳаммадан олдин келган эди.

Соат 6. Сайлов участкасининг раиси ўртоқ Л. Аршанов тулганганларини самимий таъриқлайди. Сўнгра овоз бериш бошлангиларини эълон қилади.

Овоз бериш бирдамлик билан ўтди

Ўқорчи Чирчиқ район колхозларини ҳақ сўзига бирдамлик билан овоз бердилар.

Районда ташкил қилинган 24 сайлов участкасида ҳақ сўзига овоз бериш зўр тантана ва шоду-хушамлик билан ўтди.

Район маданият бўлими 24 жойда сайловчиларга янги кинофильмлар кўрсатди. «Политотдел», «Меҳнат бирлиги», «Ирради», Свердлов номи, «Ленинизм», Сталин номи колхозларда концертлар ташкил қилинди.

«Париж коммунист» колхозининг кекса аъзоси Усмон ота Партиева, «Политотдел» колхозининг эвебо бошлиғи ўртоқ Рим Хон сайлов қў

тиларини олдинга биринчи бўлиб келадилар.

11-сайлов пунктининг сайловчилари — Фрунзе номи колхоз аъзолари район бўйича биринчи бўлиб овоз бериб бўлидилар. Улар сайлов муносабати билан янги мажбурият олиб, 2-3 кун ичида бор кўксини янги олди ва тез кунда шоду-хушамлик билан овоз берди. Ҳақ судлари бўлиб овоз бериш учун овозларини қўйди. Колхозининг Зояра Мустаимова, Карим Довудбеков, Марам Толипова, Дилором Умарова каби қўнғилчи теримчилар яна бир тоннагача кўсак териб бериш мажбуриятини олдилар.

Районда овоз бериш бир неча соат ичида тамомланди. **Р. ИСХОҚОВ.**

Қишлоқ сайлов участкасида

Обод Ленин қишлоғи бутун одадлаган барвақт уйғонди. Тонг қорини кўриб қишлоқ сайловчилари ҳам, биринчи марта овоз беришга қатнашган ҳам сайлов участкаси томон йўл олдилар.

Тошкент районидagi Ленин қишлоқ совети марказида жойлашган 2-сайлов участкаси 15 декабрь куни соат 6 бўлмастан қишлоқчилар билан гавжум бўлиб. Сайлов участкаси ахшиллаб бозилган. Жангилар шовурлар эзилган қишлоқ аёллар Илчи нурда товланди. Соат роса 6. Социалистик давлатимиз ва меҳнатчилар ҳақ манфаатларини ҳи

мои қилувчи совет судьяси ва ҳақ манфаатчиларига овоз бериш бошланди. Биринчи бўлиб ўн болани тарбиялаб катта қилган қаҳрамон она Фазил Олимова овоз берди. Ундан кейин сайлов қўтиси энига Ленин номи колхозининг Ленин ордени донгдор сўт соғувчиси Масуда Бадубова келди. Сайловчиларнинг кечти ушимади.

Сайлов участкасида ҳақ судларининг муносиб қандидатларига овоз бериш сиёсий активлиги ва зўр ушқонлиги билан ўтди. 2 мингта янги сайловчи кундуз соат 11 гача овоз бериб бўлиб. **Т. НАМИДИНОВ.**

Халқимизнинг содиқ фарзандлари учун овоз бердилар

15 декабрь куни шаҳар аҳолисини кундагидан барвақт уйғонди. Атрофдан эшитилмаган қарий, сўнгра, музика сўзлари шаҳарга байрам тушини киритди эди.

Соат 5-у 50 минутда бир-бири билан тенгшод уч-тўрт қувноқ қилар тоғ техникасини биносига қайлашган 224-сайлов пунктига қирқ кетишди. Кекса сайловчи пенсияер Солт ота Юнусов ичкарида эди. У, соат 6 бўлиши билан қирқинчи бўлиб овоз берди. Сўнгра биринчи кетган қишлоқ сайлов қўтиси энига келди. Бу бахтиёр қишлоқ биринчи марта сайловга иштирок этаётган Муҳаббат Туранова, Ила Маладеца сингари янги 18 га кирган ёш сайловчилар эдилар. Қишлоқ қўна-қўна билан сайловчилар қўтиларига ташландилар.

Техникумининг радиоэми орқали ушқунлиқ музика, ашуларлар эшиттирилди. Гражданлик бурчини адо этган сайловчилар техникум ҳаваскорлари томонидан берилганга концерт ташоша қилмоқдалар. Бу сайлов пунктининг 1500 дан ортиқ сайловчиларининг қўнғиллиги арта-лаб соат 10 даққа овоз бериб бўлиб.

Ф. УСМОНОВА.

Колхозчилар бирдамлиги

Қорасу районидagi 9-сайлов участкаси соат 5 яримда сайловчилар билан гавжум эди. Сайлов участкаси шинам қилиб бозилган. Залда янги орқали концерт берилмоқда. Сайлов комиссиясининг аъзоси ўртоқ М. Раҳимов сайловчиларини самимий қўтиб олади.

Вақт бўлиши билан ўртоқ Раҳимов сайловчиларини бюллетенлар олшти

Ер сунъий йўлдошларининг ҳаракати тўғрисида

Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши 16 декабрь арталаб соат олтига қадар Ер атрофини 602 марта айланиб чиқди. Ернинг биринчи сунъий йўлдоши шу вақтгача Ер атрофини 1099 марта айланиб чиқди.

Ҳаво очиб бўлганда Ернинг иккинчи сунъий йўлдошини

қуёш қиқши олдидан шимол-ил негиланин 5 градусидан 37 градусигача ва қуёш ботгандан кейин 0 градусидан 18 градусигача ҳамда қуёш ботгандан кейин жанубий негиланин 0 градусидан 5 градусигача одий кўз билан кўриш мумкин бўлади. (ТАСС).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ ҳўжалик бўлими — 135. Саноят ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 156. Махаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 34048. Эълолар бўлими — 38142.

БМТ Бош Ассамблеясининг XII сессияси ёпилди

НЬЮ-ЙОРК, 15 декабрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XII сессияси кеча кечқурун ўз ишнини тамомлади. Бош Ассамблея арталабки ва кундузги ялпи мажлисларда ўз ишларини тамомлаган комитетларнинг докладлари ва резолюцияларини тасдиқлади. Жумладан, кам тараққий этган мамлакатларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун маблағ чиқариш ҳақидаги резолюция тасдиқланди. Бу резолюция иқтисодий ва молиявий масалалар билан шуғулланувчи комитетда АҚШнинг таъаббуси билан қабул қилинди. Комитетнинг резолюцияси Совет Иттифоқида маъбул бўлмаса ҳам, совет делегацияси кам тараққий этган мамлакатларнинг қўллари бу резолюциянинг қабул қилинишига ўз нуқтаи назарини қўйди ва ўз манфаатларини бирор даражада жавоб берди, деб тоналганга сабабли, бу резолюцияни ёқлаб овоз берди. Сўнгра кеналанин тозалаш масаласи ҳақидаги резолюция ҳам 54 овоз билан тасдиқланди. Бу резолюция овозга қўйилганда, 19 делегация бетараф қолди.

Бош Ассамблеянинг кечки ялпи мажлисида Сиёсий комитетнинг Кипр масаласи ҳақидаги ва давлатларнинг тинч-тотув ялпиши масаласи ҳақидаги тавсиялар қабул қилинди. Сиёсий комитетда қабул қилинган ва Кипр ҳалқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳўқуқини таъинан резолюция проекти Бош Ассамблеяда овозга қўйилди. Ялпи мажлисда 31 делегация бу резолюцияни ёқлаб овоз берди, 23 делегация қарин овоз берди ва 24 делегация овоз бериш вақтида бетараф қолди. Аммо, Бош Ассамблеянинг ялпи мажлисида бундай резолюцияни тасдиқлаш учун овозларини қўйган икки қисми миқдоридиға кўпчилик талаб этилганлиги сабабли резолюция қабул қилинмади.

Шундан кейин Ассамблея давлатларнинг тинч-тотув ялпиши масаласи юзасидан Сиёсий комитет тавсия этган резолюцияни бир овоздан қабул қилди. Чанкайишчилар вакили резолюцияни овозга қўйиш вақтида бетараф қолди.

Қабул қилинган резолюция текстида бундай дейилади:

«Бош Ассамблея,

Халқаро тинчликни мустаҳкамлаш ва давлатлар ўртасида, уларнинг бир-биридан тафовут қилиш

ларин, сиёсий, иқтисодий ва социал тараққийнинг қадрай даражада ва қандай ҳарактерда бўлишидан қатъи назар, тинч ва ялпи қўнғилчилик муносабатларини ривожлантириш зарур ва муҳим эканлигини эътиборга олиб,

халқаро тинчлик ва ҳафсизлигини ҳамда давлатларнинг дўстона ҳамкорлигини сақлаш Уставининг асосий мақсадларига мувофиқ эканлигини аслади,

ана шу мақсадларга эришишни рағбатлантириш ва, Уставга мувофиқ, ўзаро ҳўрмат ва манфаатдорлик, ҳўжум қилишмаслик, суверенитетни, тенглик ва территориял бутунлигини ўзаро ҳўрмат қилиш ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида давлатлар ўртасида тинч муносабатлар ҳамда сабр билан иш қўришни қўлайтириш зарурлигини, шунингдек Уставнинг мақсад ва принципларини амалга ошириш зарур эканлигини аналга.

Халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш, кескинлигини камайтириш ва давлатлар ўртасидаги иштилоф ҳамда жанжалларини тинч воситалар билан ҳал этишни зарур деб тоиб, барча давлатларга мувожаат қилиб, уларни халқаро тинчликни мустаҳкамлаш ва дўстона муносабатларини ҳамда ҳамкорлиқни ривожлантириш учун, икзолярини, Уставда қўзда тутилганлик ва шу резолюцияда кўрсатилганлик, тинч воситалар билан ҳал этиш учун бутун чораларни қўришга қарқарли».

Бош Ассамблея шу билан кўн тартибидиға масалаларнинг ҳаммасини қараб чиқди ва ўз ишнини тамомлаш лозим эди. Аммо, Бош Ассамблеянинг раиси Муиро (Янги Зеландия) ва «Венгрия масаласи юзасидан эмиссар» деб аталган Вайтхаксоннинг (Таиланд) ёрдамида бойдаланган АҚШ делегати Лодж «Венгрия масаласини яна кўтариб чиқиб, диверсия қилди.

Бош Ассамблеянинг раиси Вайтхаксоннинг рағабўйликлдан иборат хатини ўқиб берди ва дарҳол АҚШ делегатиға сўз берди. Лодж венгер ҳақида хабар қилган ва айлорлар курсидиға ўтирган соткиларининг ҳимоясини бўлиб майдонга чиқди. У, АҚШ «заруру деб ҳисоблаган тақдирда» Бош Ассамблеянинг махсус сессиясини қарқарлиш талаб қилди, деди.

БМТ Бош Ассамблеяси XII сессиясининг охириги ялпи мажлисида

В. В. КУЗНЕЦОВ БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК, 15 декабрь. (ТАСС). СССР делегациясининг бошлиғи В. В. Кузнецов БМТ Бош Ассамблеясининг охириги ялпи мажлисида нўз сўзлаб, Бош Ассамблея XII сессиясининг ишларига баҳо берди.

Ҳўзирги сессия, — деди В. В. Кузнецов, — ўз олдиға қўйилган вазифаларини тўла бажара олманган бўлса ҳам, унинг ишларидиға муайян ижобий томонларини кўрсатиб ўтишга тўғри келди.

Авалло, Бош Ассамблея давлатларнинг тинч-тотув ялпиши тўғрисидаги масала қаб муҳим масала юзасидан бамаслаҳат қарор қабул қилинишга муваффақ бўлиб. Бу масала ҳақидаги резолюциянинг бир овоздан қабул қилинганлиги сессияда шў масала ўз вақтида қўйилганлигини кўрсатади ва умумий тинчликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган энг

муҳим масалаларини ташкилотдаги барча аъзоларининг бирлашди қилишган ҳаракатлари билан ҳал этиш учун БМТ потенциални имкониятларға эга эканлигини исбот қилди.

Сурияға қарши ҳарбий агрессия тўғрисидаги масаланин муҳокама қилинганлиги шўбасиз ижобий аҳамиятта эга бўлиб. Бу масаланин муҳокама қилиниши Сурия ҳалқига қарши ҳарбий ҳўжум ҳавфининг олдини олишда муҳим фактор бўлиб ва Янги ҳамда Ўрта Шарқда ва бутун дунёда тинчликни сақлаш ишига муҳим ҳисса қўшди.

Бош Ассамблеянинг бу сессиясин бутун дунёни гоат қизқитиришган курсатилганлиги проблемаси қаб проблемаси юзасидан конкрет қарорлар қабул қила олманганлиги тўғрисида таассуф билдирмай иложи йўқ.

Лекин шўнга қарамай, совет делегациясини ташкилотимизнинг барча

Шундан кейин сўзға чиққан Совет Иттифоқи вакили А. А. Соболев айтдики, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Венгрия масаласида деб аталган масала юзасидан махсус вакили деб аталган кишининг хатидан, даставвал, АҚШдаги ҳўжмрон доираларининг манфаатларини кўзлаб, Бош Ассамблеядан «сўвўк уруш»ни қўлайтириш, давлатлар ўртасидаги муносабатларини кескинлаштириш учун фойдаланиш йўлида беҳўнақай уриниб қўриш ниятида истифода қилмоқда. Бу аса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг БМТ, деди Совет Иттифоқи делегацияси, Венгрия теварағидиға тўхматдан иборат шармандали кампанияға хотима берган тақдирда, халқ демократик Венгрияға хизмат кўрсатади ва ўз бурчини бажаради.

Венгрия вакили Шик Америка делегациясининг иттиғарликдан иборат ҳўружига зарба берди. У, Венгрия масаласида деб аталган масаланин Бош Ассамблеяда ҳар қандай йўл билан муҳокама қилинишиға ўз ҳўкуматининг қатъий норозилик билдирганлигини ва бу масаланин муҳокама қилиниши Венгриянинг ички ишларига аралашилишдан иборат эканлигини аслади».

Шик айтдики, Венгрияда ватанға хиёнат қилган баъзи ҳўчилар ҳақидан ҳам қамқоққа олиниб ва судға берилди. Аммо, баъзи давлатлар ва уларнинг БМТдаги вакиллари контрреволюцион элементларини жиний ҳаракатларға ундаматганларида, Венгрия ҳўкумати бундай чораларни кўришга мажбур этилмаган бўлар эди.

Голландия, Уругвай ва Австралия делегациялари Лоджнинг иттиғарликдан иборат ҳўружини қувватлашди. Уларнинг гапларидан кейин Чехословакия вакили Ульрих сўз олди. Ульрих айтдики, Лоджнинг нўзги Венгрияға ва СССРға қарши тўхмат кампанияси ўтказиш учун Бош Ассамблеядан фойдаланиш йўлидаги рағил уринишдан бошқа бир нараса эмас. Бу уриниш, деди у, давлатларнинг тинч-тотув ялпиши тўғрисида Бош Ассамблея томонидан ҳўзиргиға қабул қилинган муҳим қарордан эътиборини четта қўриш ниятида қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XII сессияси 15 декабрда Москва вақти билан соат 4 дан 05 минут ўтганида ёпилди.

ТУРЛИ КАСБ ЭҒЛАРИ

Киномеханик



Хўсан Мўхамедов мактабда ўқиб юрган йилларида политехника дарсини жуда севиб қолган эди. У, устахонада ўқийдан кейин ҳам анча вақт қолдиб кетар, биронта темир парчадан паргарин, омбурини, ҳўзлас қўнғилға ёққан асбобини асаш унинг учун ажойиб машғулот эди. Хўсан бундай пайтларда ўз қалбига қанлайдир севилич, қўнғилчи ҳис қиларди...

Мана 1954 йил. Бу йил — Хўсан Мўхамедов учун ўз орасин йўлида илк қадам қўйилган унитилмас йил бўлди. У Ўзбекистон ССР Маданият ми

нистрилини ҳўзридаги киномеханиклар мактабига ўқиб бошлади. Бу ердаги киномеханика, электротехника, слесарлик юзасидан ўтилган дарслар Мўхамедовдаги техника биллимиға бўлган ҳавасини янада ошириб юборди. У 1955 йилда киномеханиклар мактабининг «5» баҳолар билан тамомлади ва Тошкентдаги энг катта «Искра» киностудиясини ихтиёрида юборилди. Ўқини пайтида маълум практикада эга бўлган энг киномеханик нарасини қарийб қирқ йилдан бун киностудияларда ишлаб келатган тажрибали технокор Яков Ионович Гершиновичдан сўраб биллиб олган бўлиб. Бошқа киномеханиклар ҳам унга ақидан илдам беришди. Мўхамедов кикса вақт ичида киностудия коллективини ҳўрматига сазовор бўлиб.

— Мана 3-камера — апаратурини бириктиб қўйилган, — деди Мўхамедов, — менинги ихтиёрида уш апарат бор. Иккитаси ҳар қуни ишлайди, биттаси ҳар эҳтиётда қарши эҳтиёт қилнади. Биз икки кишимиз. Бизнинг вазифамиз тамопабинларға яхши хизмат қилиш, яъни ҳар бир сеансин намунали ўтказиш, сеанслар тамом бўлганга апаратурани тозалаш қўйишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, Мўхамедов ва унинг ёрдамчиси Грина Мингаев кино апаратураларини доимо озода, ишга тайёр ҳолда сақлайдилар. Мўхамедовнинг киностудияда ишлайётганига икки йилдан ошиб қолди. Шу вақт мобайнида у маъмуриятнинг фақат мактовига сазовор бўлиб келмоқда. Ушга киностудия дирекцияси уч марта, Тошкент шаҳар ижроия комитети маданият бўлими бир марта «Ташкентшўрунома» эълон қилди.

— Мўхамедов, — деди киностудия директори ўртоқ Одилов, — энг намунали, истеъдодли киномеханикларимиздан. У ўз касбини қадридан сезади. Биз у билан фахрланамиз.

М. ИКРОМОВ.

СОЦИАЛИСТИК ЧИРЧИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Чирчиқ шаҳрининг завод, фабрикаларида, мактаб, техникум ва ҳўнавар билим юртларида шаҳарнинг барпо қилинганга 25 йил тўлиши муносабати билан суҳбатлар ўтказилмоқда. 13-ҳўнавар билим юртининг директори ўртоқ Шомуратов «Социалистик Чирчиқ — Совет Ўзбекистонининг йилри саноят шаҳри» деган темада суҳбат ўтказди. Суҳбатни билим юртининг 150 та ақини ўқувчиси эўр қизқич билан

тинглади. «Ўзбекхўшмаш» заводи кишилари учун аса «Саноятлашган Чирчиқ шаҳрининг ривожланиш тарихи» деган темада мазмунли суҳбат ўтказилди.

Шу йил 25 декабрда Социалистик Чирчиқ шаҳрининг барпо этилганга 25 йил тўлиши муносабати билан жойларда тантанали кечалар ўтказилиш мўлақатланмоқда.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

76 ЙИЛ КўРЛИКДАН СўНГ

Қорақалпоғистоннинг қамбағал оилаларидан бирда бундан 76 йил муқаддам бир кўр бола туғилди. Боланин ота-онаси кўр кўзининг очилиши учун ҳеч қандай қўра тополмадилар. Раҳмон Қўзиев умр бўйи ёруғ дунёни кўрмай ўтведи. Врчаларға мувожаат қилинганга улар кўзини очилишини иложи йўлигини айтдилар.

Қўнлардан бирда Қорақалпоғистон АССРнинг узок қўнғирот қишлоғида Тошкентдан врачлар брига

даси келди. Бу бригада составида врач-окулист Татьяна Георгиевна Ильина ҳам бор эди.

Татьяна Георгиевна Раҳмон ақинини кўзини диққат билан текшириб кўриб, унга операция қилишини таклиф этди.

Операция муваффақиятли чиқди. Раҳмон Қўзиев 76 йил давомида биринчи марта ёруғ дунёни кўрди.

Редактор З. ЕСЕНБОВЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/ХП да Ганг дарёсининг қизи, 18/ХП да Илчи юлдуз.

НАВОЙИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/ХП да Шўрали, 18/ХП да Ромео ва Жульетта.

ТОШКЕНТ ДЕВЛАТ ЦИРКИДА — 18/ХП дан янги программада тамошалар. Гимналий айнқлар аттракцион. Ўргатуви — Изабелла Адоскина. Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

«ВШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун янги кинофестивал ўтди. Ўйлар, кундуз соат 4-10 минут, кеч 6-15 ва 8-20 минутда Опа-сингиллар (1-серия).

«ГИПРОСТРОЙМАТЕРИАЛ» ГА курувчи ва технолог инженерлар ҳамда копроишчи

КЕРАК Иш ҳақи биринчи етакчи категория юзасидан тўланади. Адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7-уш, 2-қават, 8-хона.

Ҳамза кўчаси, Уйлаиш провад, 5-ушди, 4-уйда турувчи Тош Фозилованин шу уйда турувчи Носир Фозиловадан ажралиш ҳақидаги иш Тошкент шаҳар; Октябрь район, 2-участка ҳақ судида қўрилади.

Калинин районидиға Сталин номи колхозда турувчи Жалол Саидовнинг шу колхозда турувчи Кўтби Сандова-Одиловдан ажралиш ҳақидаги иш Тошкент обласи, Калинин район, 1-участка ҳақ судида қўрилади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

17 декабрда ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

Катта концертлари

Концертда: СССР халқ артисти Ҳалима Носирова, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Мукаррама Турғубоева, Фотина Борухова, Галия Исайилова, Комилжон Отанбаев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, VI Ўзбек фестивали лауреатлари ва филармония солистлари қатнашди.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар концерт зали насасида кундуз соат 3 дан ва район насаларида арталаб соат 11 дан сотилади.

Меҳнатчилар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети Махаллий Советларининг уйларидаги КВАРТИРАДА ТУРУВЧИЛАРДАН квартира ҳақи ва коммунал хизматлар бўйича бўлган

ҚАРЗЛАРИНИ, шунингдек декабрь ойи ҳақини ҳам 1957 йил 25 декабрдаги тўлашларини сўрайди.